

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 6 февраль, № 28 (8090) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЕТАКЧИЛАРИ ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУРЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИЛАР

**5 февраль куни Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.**





Икки мамлакат етакчиларининг расмий учрашуви Хитой пойтахтидаги Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши уйида бўлиб ўтди.

Музокаралар аввалида Раис Си Цзиньпин давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, унга қишки Олимпиаданинг очилиш маросимида шахсан иштирок этгани учун чин дилдан миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти, ўз навбатида, таклиф ва самимий қабул учун ташаккур билдириб, дўст Хитой раҳбарияти ва халқини Олимпия ўйинларининг очилиши жуда юксак савияда ўтгани билан табриклади, бу маросим бугунги Хитойнинг улкан муваффақият ва ютуқларини намойиш этганини таъкидлади.

Етакчилар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки томонлама кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари юзасидан батафсил фикр алмашдилар.

Яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва манфаат принципларига асосланган давлатлараро муносабатлар бугун юксак даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама алоқаларнинг фаоллашишига хизмат қилди.

2021 йил якунига кўра товар айирбошлаш рекорд кўрсаткичга етди. Хитойдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган жами инвестициялар ҳажми 9 миллиард долларни ташкил этди.

Хитойнинг етакчи компания ва банклари иштирокида саноат, кимё тармоғи, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа устувор йўналишларда юқори технологик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

"Яшил иқтисодиёт", сунъий интеллект, рақамлаштириш ва электрон савдо соҳаларидаги ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ипак йўли" жамғармаси билан узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича амалий шерикликнинг стратегик лойиҳаларини илгари суришга қаратилган янги "Йўл харитаси" шакллантирилмоқда. Молиявий-техник кўмак дастури кенгайтирилмоқда.

Учрашувда ушбу ташриф доирасида имзоланган беш йиллик Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик дастурини кенг кўламда амалга ошириш муҳим экани қайд этилди.

Мутаносиб товар айирбошлашга эришиш, фаол ҳудудлараро алмашинувларни қайта тиклаш ва самарали транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича биргаликда чора кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Камбағалликка ва коррупцияга қарши курашиш борасида Хитой тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

Соғлиқни сақлаш, анъанавий тиббиёт, туризм, таълим, маданият ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик дастурини кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Муҳим иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни илгари суриш мақсадида қўшма Хукуматлараро қўмита ва унинг соҳалар бўйича кичик қўмиталарининг навбатдаги мажлисларини ўтказиш масалалари келишиб олинди.

Халқаро ва минтақавий кун тартибидаги масалалар, шу жумладан, Афғонистонда тез фурсатда тинчлик ўрнатилишига ва иқтисодий тикланишга кўмаклашиш масаласи кўриб чиқилди.

Раис Си Цзиньпин Ўзбекистоннинг жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раиси сифатидаги фаолиятини қўллаб-қувватлади.

Якунда Президент Шавкат Мирзиёев Хитой етакчиси ва халқини ой тақвими бўйича кириб келган Янги йил билан табриклади ва қишки Олимпиада муваффақиятли ўтишини тилади.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг учрашуви очиқ, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**5 февраль куни Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан учрашди.**



Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Покистон Бош вазири ўтган йил июль ойида Ўзбекистонга амалга оширган ташрифда эришилган келишувларни амалга оширишнинг илк натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Жумладан, ўтган йил якунида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 1,5 баробар ортди, бир йилда 40 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фармацевтика препаратлари, кимёвий товарлар ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Саноат, таълим ва кино соҳаларида қатор муҳим лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳудудлараро алоқалар ҳам кенгаймоқда — шу кунларда Панжоб вилояти губернатори Сарвар Чоудри бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.

Учрашувда ишбилармонларнинг қўшма ташаббуслари ва истиқболли инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, банк-молия соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суриш борасидаги амалий ишларни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди.

Олий ва юқори даражалардаги бўлажак мулоқотлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазирининг учрашуви ҳар доимгидек очиқ, ишчан ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## Биз ва жаҳон

### ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРМОҚДА

*Хорижий экспертлар ҳамжамияти вакиллари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилги қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимидаги иштироки, ушбу воқеа билан боғлиқ тадбирлар доирасида ўтказган учрашувлари, жумладан, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан музокараларига оид фикр-мулоҳазаларини "Дунё" ААга изҳор қилмоқда.*

2- саҳифага қаранг.

## Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Шўртан газ-кимё мажмуаси:

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

*Шўртан газ-кимё мажмуаси жамоаси мана, йигирма йилдирки, мураккаб ва замонавий технологиялар жамламасини юксак тафаккур ҳамда билимлар уйғунлигида бошқариб, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда мажмуанинг барча мураккаб технологиялари ва ишлаб чиқариш жараёнлари ўзимизнинг маҳаллий мутахассислар томонидан амалга оширилаётгани нефть ва газни қайта ишлаш саноатида иқтисодий мустақилликни таъминлашга хизмат қилмоқда.*

2

# ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРМОҚДА

**Макс СЕЙ,**
**«Kingsley Strategic Institute» институти ижрочи директори (Малайзия):**



— Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати юксак даражадаги ишонч ва ўзаро англашув билан ажралиб туради. Буни Президент Шавкат Мирзиёевнинг ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2022 йилги қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида қатнашиш учун Пекинга ташрифи ҳам тасдиқлайди.

Олий даражадаги мунтазам алоқалар муҳим воқеа ва ҳодисалар, жумладан, дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги, Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган виртуал саммити занжирига мантиқан боғланмоқда.

Тошкент ва Пекин ўртасидаги олий даражадаги расмий дипломатия энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация, фармацевтика саноати, транспорт алоқаси ва инфратузилма соҳасидаги аниқ лойиҳалар билан қўллаб-қувватланмоқда.

Ушбу ташриф нафақат Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг сермазмун кун тартиби, балки икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик муносабатларнинг ҳам тасдиғи бўлди, деб ҳисоблайман.

**Тецужи ТАНАКА,**
**Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш илмий-тадқиқот институти бош директори (Япония):**



— Ушбу ташриф доирасида Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ўртасида ўтган музокаралар самарали бўлди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини барпо этиш бўйича илгари сурилган ташаббусни инобатга олган ҳолда, Тошкент ва Пекин ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири — бу Марказий Осиё минтақасининг транспорт-логистика салоҳиятини юксалтириш ва Покистоннинг Гвадар портига кириш имкониятини кенгайтиришдир.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти 25 январь куни Марказий Осиё давлатлари ва Хитой раҳбарларининг виртуал саммити чоғида Ўзбекистон маҳсулотларини Хитой бозорига экспорт қилиш ҳажмини ошириш имконини берувчи Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасини ижрога қаратиш бўйича илгари сурган ташаббусининг долзарблиги янада ошмоқда.

**Виктор КИМ,**
**Тожикистон Миллий фанлар академияси Осиё ва Европа мамлакатлари институти катта илмий ходими:**

— Пекинда бўлиб ўтаётган XXIV қишки Олимпия ўйинлари нафақат йилнинг асосий спорт мусобақаси, балки дунёда тинчлик ва умумбашарий фаровонликка эришишга ундайдиган йирик халқаро тадбир сифатида ҳам тарихга киради.

Қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан қатор давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар етакчилари иштирок этди. Жумладан, ушбу тадбирда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг барчаси қатнашгани бежиз эмас. Бу Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг изчил сиёсати натижасидир.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг дўстлик, ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган изчил ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиё дунёда ягона минтақа сифатида эътироф этила бошланди. Давлат раҳбарларининг 25 январь куни "Марказий Осиё — Хитой" ва 27 январь куни "Марказий Осиё — Ҳиндистон" шаклларидаги онлайн-саммитлари Марказий Осиёнинг ҳамжиҳат ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

**Бенуа МЕЙЕР,**
**«Athleting Club» спорт-коммуникация агентлиги ривожланиш бўйича директори (Франция):**



— Франция ва Европада спорт маркетинги соҳасида фаолият юритаман. Хитой пойтахтида бошланган қишки Олимпия ўйинлари спорт оламининг муҳим воқеасидир. Мазкур спорт тадбири, албатта, Ўзбекистон учун ҳам аҳамиятлидир. Мазкур йирик тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Пекиндаги "Қуш уяси" миллий стадионида ўтган маросимда спортнинг тоғ чанғиси тури бўйича қатнашаётган Ўзбекистон вакили — Комилжон Тўхтаевни давлат раҳбари шахсан олқишлаганини эътирофга молик воқелик, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон — улкан ва бой маданият, узоқ йиллик спорт тарихига эга мамлакат. Сўнгги йилларда анъанавий спорт турлари билан бирга, қишки спорт турларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор таҳсинга сазовор.

Жумладан, қишки спорт инфратузилмасини ривожлантиришга катта молиявий ресурслар ажратилмоқда. Бунга мисол тариқасида Тошкент вилоятида Франция компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда умуммавсумий туризм мажмуаларини бунёд этиш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни келтиришимиз мумкин.

Ҳаётга ушбу йўналишда изчил ислоҳотлар татбиқ этилмоқда. Ўзбекистонда, биринчидан, спортчиларга қулай шароит яратиш мақсадида кўплаб спорт иншоотлари барпо этилиб, инфратузилма яхшиланмоқда, иккинчидан, уларнинг тайёрлов-тайёргарлик жараёнларини жаҳон стандартлари асосида ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда, учинчидан, хорижий мамлакатлардан малакали мураббийлар таклиф қилиниб, уларнинг тажрибасидан самарали фойдаланилмоқда.

Мен Хитойда бошланган қишки Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон вакилига муваффақият тилайман.

**«Дунё» АА.**

# ИСЛОҲОТЛАР СУРЪАТИГА МОНАНД ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

*Куни кеча ўтказилган Олий Мажлис Сенати йигирма учинчи ялпи мажлиси ислоҳотларга янгича суръат беришга йўналтирилган қатор долзарб масалалар муҳокама қилинганлиги ва баҳс-мунозараларга бойлиги билан ёдда қоладиган бўлди. Мазкур масалаларнинг баъзилари ҳақида сенаторлар ўз фикрларини баён этишди.*

## Муносабат

***Баҳодир ТОЖИЕВ,***
***Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:***

### Парламент сўровида кўтарилган масала Сенат назоратида қолдирилади

— Кейинги йилларда Олий Мажлис Сенати фаолияти тубдан янгилангани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, парламент юқори палатаси бошқа йўналишларда бўлгани сингари тегишли идораларга парламент сўрови юбориш ваколатидан ҳам самарали фойдаланиб келмоқда. Муҳими, парламент сўровида кўтарилган ҳар бир масала то ҳал этилгунига қадар доимий назорат қилиб борилаётир.

Буни ялпи мажлисда атрофлича муҳокама этилган Сенатнинг оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эътироф этилганидек, оқова сув тизимларини яхшилаш бўйича халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган 5 та лойиҳа доирасида 33 та объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, 226,4 млрд. сўмлик маблағ ўзлаштирилган. Айни чоғда ҳудудий лабораториялар учун 8 357 та махсус жиҳоз ҳамда жойлардаги оқова сув тозалаш иншоотларига тирик микроорганизмларга бой биологик ва "Дефекат" моддаси етказиб берилган.

Ана шу ютуқлар баробарида, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, саноат корхоналарининг оқова суви таркиби ифлосланиши натижасида ҳосил бўладиган, тозалаш иншоотлари ишлаши технологик регламентини бузадиган моддалар юқори концентрацияда оқизилса, уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланмаган. Қолаверса, бу соҳани мутахассислар билан таъминлашга етарлича эътибор қаратилмаган. Яъни олий таълим муассасаларида соҳа бўйича етук мутахассислар ва малакали кадрлар тайёрлайдиган махсус йўналишлар йўқ. Бу оқова сув тозалаш иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, эксплуатация қилиш ва унинг таркибини аниқлашда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ўз навбатида, уй-жой мулкдорлари ҳамда уй-жойдан фойдаланувчилар томонидан ичимлик ва оқова сув хизмати тўлови вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича етарли чоралар кўрилмаганлигини ҳам айтиш керак.

Демак, кўриниб турибдики, бу борада ҳали қилиниши зарур бўлган вазифалар кўп. Шу боис бу масала парламент назоратида қолдириладиган бўлди.

***Эркин ГАДОЕВ,***
***Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:***

### Сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳолати қандай?

— Халқимиз сувни улуғ неъмат сифатида алоҳида қадрлайди. Бу, айниқса, донишманд боболаримиздан мерос бўлиб келаётган сувни исроф қилмаслик ҳақидаги ўгит ва панд-насиҳатларда янада яққолроқ акс эттирилган.

Аждодларимизни бежиз донишманд, демадик. Улар сувни шу қадар азиз билганларки, уларнинг фикри гўёки бугунги кун учун айтилгандек.

Ялпи мажлис давомида кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ш. Ғаниевнинг қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳамда шу мақсадда ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги ахбороти ушбу долзарб масалага йўналтирилганлиги билан эътиборлидир.

Шу ўринда бу масала Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Молия вазирлиги ҳамкорлигида ўрганиб чиқилганлигини айтиш зарур.

Маълум бўлишича, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш борасида муайян ишлар бажарилган. Ютуқлар ўзимизники. Шу боис айрим муаммо ва камчиликлар хусусида тўхталмоқчимиз.

Сув тежовчи технологияларни фойдаланишга қабул қилиш ва субсидия маблағи ажратиш бўйича айрим туман ишчи гуруҳлари томонидан носоз ҳолдаги технологияларга ижобий хулоса берилиб, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишига йўл қўйилган.

Субсидия маблағлари амалдаги талабларга зид равишда сарфланган. Масалан, 2019 — 2021 йилларда жами 1164 та қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчининг 814 таси ажратилган 871,3 млрд. сўмлик субсидиянинг 165,3 млрд. сўмни амалдаги талабга зид ҳолда сарфлаб, талон-торож қилган.

Туман ишчи гуруҳлари асоссиз хулосалари туфайли пахта экилмаган ёки экилгани ҳолда томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилмаган 825 гектар учун Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 6,6 млрд. ҳамда бошқа озуқа экинлари экилган 1158 гектар учун 9,3 млрд. сўмлик ноқонуний субсидия маблағлари ажратилган.

Маблағ сарфланиб, жорий этилган сув тежовчи суғориш тизимларидан амалда фойдаланмаслик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Электр энергияси ва сув билан таъминланмаган жойларда сув тежовчи технологияларни оммавий-мажбурий тартибда жорий этиш ҳолатлари учраётгани ҳам афсусланарлидир.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилишда моддий-техника базасига ва мутахассисларига эга бўлмаган пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Шулардан келиб чиқиб, сув тежовчи технологиялар жорий қилинган, субсидиялар ажратилган корхоналар фаолиятини мониторингдан ўтказиш учун ҳудудий сектор раҳбарларини жалб этиш, шунингдек, пудрат ташкилотлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида шартнома бажарилишини назоратга олиш ва унинг самарадорлигини таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, жорий этилган сув тежовчи технологияларни қабул қилиш туман комиссияси аъзолари таркибини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш зарур.

Қолаверса, ушбу масала маҳаллий Кенгашлар йиғилишларида муҳокама қилиб борилса, пудрат корхоналари ягона электрон реестри шакллантирилиб, пудрат корхоналарини танлашда шаффоф механизм жорий этилса ҳамда кластерлар ва хўжаликлар томонидан сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонларда, плантацияларда янги иш ўринларини яратиш шарти қўйилса, нур устига нур бўлар эди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

## Шўртан газ-кимё мажмуаси:

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ



1 *Мухбиримиз "Шўртан газ-кимё мажмуаси" масъулияти чекланган жамияти бош директори Шуҳрат АСЛАНОВ билан мамлакатимиз иқтисодиётининг гигант корхоналаридан ҳисобланган мазкур мажмуа тарихи ва бугуни фаолияти хусусида суҳбатлашди.*

***— Шуҳрат Чориевич, аввало, 2021 йилда 20 йиллиги кенг нишонланган "Шўртан газ-кимё мажмуаси" МЧЖнинг ўтган йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қўшган ҳиссаси хусусида маълумот берсангиз.***

— Шўртан газ конлари замирида углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлашга мўлжалланган юртимиздаги биринчи корхона — Шўртан газ-кимё мажмуаси йигирма йил давомида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга ва давлат ғазнасига валюта тушумини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

2001 йилнинг декабрь ойида ишга туширилган корхонамизда шу йиллар ичида қарийб 78 миллиард кубометр газ хом ашёси қайта ишланиб 66,5 миллиард кубометр тозаланган метан гази, 2,4 миллион тонна полиэтилен, 2 миллион тонна суюлтирилган газ, 2 миллион тонна газ конденсати ҳамда 21,8 минг тонна олтин гугурт гранулалари ишлаб чиқарилди.

***— Албатта, ишга оқилона ёндашув, замонавий технологияларни олиб кириш ва малакали кадрлар тайёрлаш орқали мажмуа истиқболли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу маҳсулот тури, сифати ва экспорт салоҳиятини оширишга қанчалик даражада таъсир кўрсатди?***

— Мажмуамиз фақат дунё андозаларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан эмас, балки бу ерда юксак малакали, билимдон, салоҳиятли кадрлар тайёрланиши билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Корхона иш бошлаган илк йилларда хориж мамлакатларида таҳсил олиб келган ходимлар бугун нефть ва газни қайта ишлаш соҳасида етук мутахассисларга айланган.

Шунингдек, мажмуада халқаро ва миллий талабларга жавоб берадиган, юқори сифатли полиэтилен (ПЭ) гранулалари ассортиментини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш, ишчи-ходимларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш, энергия ресурслари ҳамда кимёвий реагентлардан оқилона ҳамда тежамкорлик билан фойдаланиш борасидаги салмоқли ишлар ўзининг самараларини беряпти. Бунга ИСО 9001, ИСО 14001, ИСО 45001, ИСО 50001 халқаро бошқарув стандартлари асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимиз яққол мисолдир.

***— Инновациясиз, кашфиётларсиз ривожланиб бўлмайди. Шу маънода, мажмуада инновацион технологияларни кенг жалб этишга қай даражада эътибор қаратиляпти, қандай янгиликлар яратилмоқда ва бунинг эвазига эришилаётган натижаларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

— Корхонамизда инновацион ишланмалар, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари жуда кўплаб жорий қилиниши натижасида иқтисодий самарадорлик ошиб, ишлаб чиқариш узлуксизлиги таъминланган. Масалан, мажмуада полиэтилен грануласи ишлаб чиқариш жараёнида қуйи молекуляр полиэтилен (этилен олигомерлари) суспензиясидан таркиб топган суюқ чиқинди ҳосил бўлади. Бу чиқинди йилига 1,0-1,1 минг тоннани ташкил этади. Ушбу чиқиндининг 40 фоизигача қуйи молекуляр полиэтилен ҳосил қилади. Бу чиқинди ишлатилмасдан утилизация қилинарди. 2012 — 2014 йилларда мажмуа ва ЎзРФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳамкорлигида чизиқли полиэтилен маҳсулотини ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган "Қуйи молекуляр полиэтилен" чиқиндисини комплекс қайта ишлаш ва ундан қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси яратилди. Унга асосан, уч турдаги тайёр маҳсулот ажратиб олинди, тегишли корхоналарда синовдан ўтказилиб, ижобий натижага эришилди. Хусусан, мумсимон ҳолдаги қуйи молекуляр полиэтилен — пластмассани қайта ишлашда сурков модда сифатида (ПВХ, ПЭ ва бошқа полимерлардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда лубрикант), резина битум маҳсулотлари учун пластификатор сифатида ишлатилади.

Углеводородларнинг енгил учувчан фракциясидан дизель ёнилғиси олиш учун хом ашё ва лок-бўёқ саноатида эритувчи сифатида фойдаланиш мумкин. Кейингиси, углеводородларнинг енгил учувчан фракциясини ҳайдашдан қолган куб қолдиғидан резина битум аралашмалари эритувчиси сифатида фойдаланиш белгилаб олинди.

Технология билан бирга ҚМП суюқ чиқиндисини қайта ишлаш қурилмасини лойиҳалаштириш учун талаб этилган бошланғич маълумотлар, техник-иқтисодий асослар ва қурилманинг бирламчи технологик регламенти тайёрланди.

2014 йил 11 декабрда ўтказилган мажмуанинг Илмий-техник кенгашида ўша вақтдаги иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб ва ҚМП чиқиндисига бошқа ташкилотлар томонидан бўлган талабни инобатга олиб, бошлаб қўйилган инвестициявий лойиҳаларни амалиётга татбиқ қилиш ишлари якунлангандан сўнг ушбу технологияни мажмуада жорий этиш бўйича қарор қабул қилинган.

Бундан ташқари, мажмуага қарашли "Қаршитермопласт" цехида полиэтилендан халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган полиэтилен асосли полимер бўёқлар (мастербатч) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мастербатч ишлаб чиқариш ускунаси Германиянинг "Leistritz" компаниясидан сотиб олинди. 2016 йилдан бошлаб полиэтилен асосли суперконцентрат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дастлабки йили 236 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 1 миллиард 302 миллион 683 минг сўм, кейинги йили 344,6 тонна маҳсулот тайёрлангани ҳолда, 1 миллиард 954 миллион 284 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида импорт, қўшимча лубрикант BYK 9076 ўрнига "Uz-Kor Gaz Chemical" МЧЖ ҚКда ишлаб чиқарилувчи қуйи молекуляр полимердан фойдаланиш мақсад қилинди. Бу борада ҳам Полимерлар кимёси ва физикаси институти билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди ва қуйи молекуляр полимерни суперконцентрат ишлаб чиқаришда ишлатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса олинди. Ушбу маҳсулот 2019 йилнинг охирги чорагида синов-тажриба ишларининг ижобий натижасига кўра, ишлаб чиқаришга тўлиқ татбиқ қилинди.

Шу билан бирга, корхона фаолиятини бошлаган кундан шу пайтгача 200 га яқин рационализаторлик таклифлари рўйхатга олинган. Шундан 50 га яқини жорий қилиниши эвазига 350 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий самарадорликка эришилган ҳамда муаллифларга 50 миллион сўмдан зиёд мукофот пули ажратилган. 100 га яқин таклифлар ижобий самара берган ва бунинг эвазига муаллифларга 80 миллион сўмдан ортиқ мукофот пули ажратилган. 10 га яқин рационализаторлик таклифлари айни пайтда мажмуада татбиқ этилиш арафасида.

Инновацион, ихтирочилик ва рационализаторлик ишларини мажмуада ривожлантириш, ишлаб чиқаришда улардан фойдаланиш ва бунинг эвазига корхонанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича мажмуа ходимлари тинмай изланишда давом этмоқда.

***— "Яшил иқтисодиёт"га ўтиш, глобал иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида бугун дунё жамоатчилиги бош қотирмоқда. Айтинг-чи, Шўртан газ-кимё мажмуасида ҳавога чиқарилаётган зарарли газ миқдорини қамайтириш юзасидан қандай ишлар қилинмоқда? Бу бўйича ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилганми?***

— Мажмуада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилмоқда. Ҳаракатдаги манбалар (мажмуага қарашли автотранспорт воситалари)дан атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи заҳарли газлар миқдорини камайтириш мақсадида мажмуа тасарруфидаги бензин ҳамда дизель ёнилғиси билан ишлайдиган автотранспорт воситаларини суюлтирилган газ ёнилғисига ўтказиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилаётир. Автотранспорт воситаларини газ ёнилғисига ўтказиш орқали ҳар бир ўтказилган автотранспорт воситасидан 0,4 тонна миқдорда атмосферага ташланадиган заҳарли моддалар миқдори камайтирилади.

Маълумки, ҳар қандай илғор замонавий ишлаб чиқариш жараёни атмосфера ҳавосига салбий таъсирларсиз фаолият кўрсата олмайди. Ишлаб чиқариш жараёнида атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган газлар таъсирини камайтириш мақсадида мажмуа атрофида санитар-ҳимоя ҳудуди барпо этилган. Мазкур ҳудудни мунтазам яхшилаш ва кенгайтириш мақсадида ҳар йили турли манзарали дарахт кўчатлари экиб борилади.

Шунингдек, 2021 йилда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида мажмуа атрофига 10 мингдан ортиқ дарахт кўчатлари экилиб, уларга томчилатиб суғориш тизими ўрнатилмоқда.

Мажмуанинг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалари устидан узлуксиз мониторинг назоратини амалга ошириш мақсадида янги замонавий автоматик станцияни ўрнатиш бўйича ҳам ишлар олиб боriляпти. Қолаверса, ҳавога чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайтириш ҳамда газ ресурсларини тежаш учун ишчилар шаҳарчасида ўрнатилган иситиш қозонлари модернизация қилинмоқда.

***— Президент Шавкат Мирзиёев "Uzbekistan GTL" заводининг очилиш маросимига ташриф буюрганида Шўртан газ-кимё мажмуаси қувватини 3 баравар ошириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳага имзо чекди. Лойиҳа амалга ошгач, 4 минг кишилик жамоа сафи қанчага кўпаяди, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмлари-чи?***

— Бугунги кунда айнан Юртбошимиз ташаббуси билан углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш янги босқичга кўтарилди. Янги Ўзбекистонни саноати ривожланган мамлакатлар қаторига қўшишга хизмат қилувчи Шўртан газ-кимё мажмуаси, "Uzbekistan GTL" ҳамда мажмуанинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш лойиҳаларида Шўртан газ конларидан келадиган 4 миллиард кубометр хом ашё газини чуқур қайта ишлаш ҳисобига қўшимча қийматга эга бўлган полимер маҳсулотлари, синтетик суюқ ёнилғилар ишлаб чиқарилиб, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда импорт ҳажми қисқартирилишига эришиладиган биринчи газ-кимё кластери ташкил этилмоқда.

"Uzbekistan GTL" заводининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросим доирасида мажмуанинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш лойиҳасига тамал тоши қўйилди ва биргина Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш лойиҳаси ишга туширилиши орқали 800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. "Uzbekistan GTL" заводидан келадиган йилига 430 минг тонна синтетик нафтадан 280 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилади.

***— Мажмуада ички бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига қанча миқдорда импорт ўрни қопланмоқда, қанча валюта тежаляпти?***

— Шўртан газ-кимё мажмуасида 2021 йилга қадар 2,4 миллион тонна полиэтилен маҳсулоти ишлаб чиқарилди ва шундан 1,5 миллион тоннаси маҳаллий эҳтиёжларни қондириш ҳамда импорт ўрнини босиш мақсадида ички бозорга етказиб берилди. Биргина 2021 йилда ички бозорга 123 минг тонна полиэтилен маҳсулоти харидорларга етказиб берилди ва 135 миллион АҚШ доллари миқдоридаги импорт ҳажми қисқартирилди.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, мажмуамизда йиллар давомида 800 минг тоннага яқин полиэтилен грануласи экспорт қилинган. Полиэтилен грануласи, асосан, Россия, Қозоғистон, Украина, Хитой, Эрон, Қирғизистон, Туркия, Тожикистон, Афғонистон, шунингдек, Европа ҳамда МДҲ давлатларига етказиб берилмоқда.

***— Заводни реконструкция қилиш, янгилаш ва қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишда, эҳтиёт қисмлар хариди бўйича қайси хорижий давлатлар компаниялари билан ҳамкорлик қилинмоқда?***

— "Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш" инвестиция лойиҳаси доирасида бугунги кунда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Сингапурнинг "Enter Engineering" компанияси билан лойиҳалаш, асбоб-ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича шартномалар имзоланди.

Шунингдек, Россиянинг "Газпромбанк" АЖ билан қиймати 300 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит шартномаси тузилди ҳамда лойиҳа бош пудратчиси "Enter Engineering" компанияси билан тузилган шартнома асосида ишлар бошлаб юборилди.

АҚШнинг "ChevronPhilips Chemical" ва "CB&I"/"CB&I Novolen" компаниялари билан бимодал полиэтилен ишлаб чиқариш, этилен ва полипропилен ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия шартномаси имзоланди.

Буюк Британиянинг "WorleyParsons" компанияси томонидан дастлабки кенгайтирилган лойиҳалаш ишлари (FEED) амалга оширилди. Лойиҳанинг техник иқтисодий асоси "ЎзЛИТИнефтгаз" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги кунда бош пудратчи томонидан лойиҳалаштириш ишларига Жанубий Кореянинг "Hyundai Engineering Co.", "GS Engineering and Construction Co." компаниялари ва Нидерландиянинг "McDermott" компанияси жалб қилинган.

Шунингдек, ўтган йили Ўзбекистон иқтисодий форуми доирасида "Deutsche Bank", "Landesbank Baden-Wьrttemberg", "Landesbank Hessen-Thьringen Girozentrale (Helaba)" банклари билан умумий қиймати 1,1 миллиард евролик молиявий ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Бундан ташқари, мажмуани реконструкция қилиш ва жорий таъмирлаш ишларига Япониянинг "Mitsubishi", Россия Федерациясининг "Aesseal Rus", Бирлашган Араб Амирликларининг "Morgan Ceramics Middle East FZE", Швециянинг "Siemens Energy" каби бир қатор компаниялари билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилмоқда.

***— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!***

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

# ДУНЁДА КОРРУПЦИЯ БЎЙИЧА ВАЗИЯТ ЁМОНЛАШМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОНДА-ЧИ..?



*“Transparency International” халқаро ташкилотининг 2021 йилги коррупцияни ўзлаштириш индекси бўйича дунё мамлакатларининг 86 фоизи охирги 10 йилда коррупцияга қарши курашда бирор ижобий силжишга эришмаган.*

*Коррупция чуқур илдиз отган мамлакатлар айни пайтда инсон ҳуқуқларини поймол қилишда ҳам етакчи экани қайд этилган. Ҳуқуқлар поймол қилиниши натижасида демократия заифлашади, коррупциянинг янада чуқур илдиз отишига сабаб бўлади. Коррупциянинг глобал ўртача кўрсаткичи 100 балли тизимда 43 баллни ташкил этган. Жами давлатларнинг учдан икки қисмида бу рақам 50 дан паст. Рақам қанча паст бўлса, коррупция янада кенг томир ёзганини англатади.*

## Нуқтаи назар

Коррупция энг кам, деб топилган давлатлар рўйхатини Дания (88), Финляндия (88) ва Янги Зеландия бошқармоқда. Рўйхатнинг энг қуйи қисмида, яъни коррупцияга чуқур ботган ўлкалар қаторида Сомали (13), Сурия (13) ва Жанубий Судан (11) турибди.

Ўтган ўн йил ичида 154 мамлакатда вазият ёмонлашган ёки ҳеч қандай ижобий ўзгариш юз бермаган. Коррупцияга қарши курашда вазият ижобий томонга ўзгарган мамлакатлар ҳам мавжуд. Улар орасида Марказий Осиёдан Ўзбекистон кўрсатилган.

Ҳисоботга кўра, Ўзбекистон охирги йилларда коррупцияга қарши кураш бўйича ўз рейтинги (28)ни яхшилаб бормоқда. 2012 йилдан бери мамлакатимизнинг индексдаги кўрсаткичи 11 баллга ўсган. Демократлаштириш жараёнини жадаллаштириб, шунингдек, ҳукумат идораларида коррупцияга қарши курашни жонлантириб, Ўзбекистон минтақада бошқалар учун намуна бўлмоқда, дейилади ҳисоботда.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили бутун дунёда салкам 1 триллион доллар ҳажмидаги маблағ пора учун сарфланмоқда. Ушбу маълумотнинг ўзиёқ, мазкур жиноятга қарши курашиш ҳатто жаҳон миқёсида қанчалик мураккаб кечаётганидан, долзарблик касб этаётганидан дарак. Албатта, ушбу муаммо ва унинг оқибатлари ниҳоятда улкан, зеро, коррупция иқтисодиётнинг самарасизлигига ва издан чиқишига олиб келади.

Пора миқдорининг ўсиши нарх-навони қимматлаштириб, хизмат ва товарлар сифатини ёмонлаштиради. Ўз навбатида, бундай ҳолат тараққиётга жиддий халақит беради. Шунинг учун суд, прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги салоҳиятини мустаҳкамлаш масаласи устувор саналади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасалар ва фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек, бу соҳада ахборот-маърифат тарғиботи ишларини рағбатлантириш зарур.

Жамият кушандаси — коррупциянинг пайини қирқиш ҳақида давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида таъкидлаб ўтади. Порахўрлик ва коррупция ўзбек жамиятининг ривожланишига, хусусан, демократик янгиланиш ҳамда модернизациялаш жараёнига ҳар жиҳатдан халақит бермоқда. Гарчи бу масала узоқ йиллардан бери таъкидланиб, “қўлга тушган” амалдорлар телевидениеда намойиш ва матбуотда фош этилганига қарамасдан, суд, прокуратура, идора раҳбарлари ҳамда оддий фуқароларнинг қон-қонига сингиб кетган феодализм сарқитлари, тамагирлик, бюрократия жамиятимиз ҳаётидан буткул йўқолиб кетмаяпти.

Шу йилнинг 26 январь куни Президентимиз раислигида ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу иллатга қарши курашиш бўйича муҳим топшириқлар берилди. Жумладан, Юртбошимиз давлат тузумини ичидан емирадиган, ижтимоий барқарорлик кушандаси бўлган коррупция балосига қарши, бюрократиянинг



ҳар қандай кўринишларига, одамларни менсимаслик, маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик иллатларига қарши барчамиз кескин кураш олиб боришимиз кераклигини таъкидлади.

Бежиз бу масалага такрор ва такрор тўхтаб ўтилмаяпти. Чунки коррупция, биринчидан, жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига олиб келади, бу эса барча соҳадаги ислоҳотларнинг натижасига салбий таъсир этмай қолмайди. Иккинчидан, фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги жамиятда адолат мезонининг бузилишини кўпайтиради. Учинчидан, сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари шаклан демократик мезон, Ғарб андозасига ўхшаса-да, мазмун-моҳиятига кўра, замон талабидан орқада қолмоқда, бу камчилик эса олдинга силжишимизга халақит беради.

Бизнингча, бу борада битта ташкилот — адлия органлари роли кучайиб бориши керак. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам Адлия вазирлиги билан қонун устуворлигини тўлиқ таъминлаган ҳолда, барча ишни бирга олиб бориши давр талаби.

Давлат ва жамиятда инсон онги, дунёқараши билан боғлиқ муаммолар таҳлилидан келиб чиқсак, собиқ иттифоқдан мерос қолган коррупция иллатига қарши курашда ҳали анча азият чекишга тўғри келади. Сабаби, Хитой ва Сингапурникига ўхшаган юқоридан қуйигача қатъий ишлайдиган иерархия тизими ҳали тўлиқ ишга тушмаган. Лекин бу табиий жараённи сунъий равишда секинлаштирмаслик ёки айрим кучларнинг тазйиқи остида “тўхтатмаслик” зарур.

Жамиятда устувор соҳа — таълим тизимида таҳсил оладиган ўсмирлар, ёшлар онгида коррупция, порахўрлик энг ёмон иллат эканини очиб бериш лозим. Чунки “Жамиятда порахўрлик иллатини енгиб бўлмайди”, деган фикр ёшлар онгида шаклланиб қолгани энг катта камчилигимиз. Бу борада ўйғаниш, силжиш қилмасак, миллатимиз обрўсига коррупция иллати соя солиб тураверади. Токи, биз оилада, боғчада, мактабда ўғил-қизларимиз онгига, руҳиятига тамагирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки у жамиятимиз таназзули, иқтисодиётимиз орқага кетиши сабаби эканлиги ҳақида кўпроқ тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб бормасак, мақсад-муддаога эриша олишимиз қийин.

Сўнгги йилларда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган ҳаётбахш ғоя фуқаролик жамияти институтларига тизим ва дастурларни ишлаб чиқиш имкониятини берган эди. Демак, биз мазкур соҳада ишлайдиган тизимни тезликда яратишимиз, миллий менталитетни ҳисобга олган ҳолда, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари илғор тажрибасини қўллашга ўтишимиз лозим. Жамоатчилик назоратисиз Ўзбекистонда сиёсий тизим ислоҳотларини амалга ошириб бўлмайди.

2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонига мувофиқ ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бу борада давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш билан бирга, ана шу кўрсаткични яхшилаш устида кўп ишлаши керак бўлади. Бунда бир омилга аҳамият берилиши, яъни кўчмас мулк сотиб олинаётганда пулларнинг келиб чиқиши қонунийлиги текширилиши зарур.

Бундан ташқари, аҳоли табақалари даромадларининг фарқланиш миқдори кескин ўзгаргани иқтисодчиларни ташвишга солмоқда. Расмий маълумотларда 10 фоиз энг бадавлат кишилар даромади энг камбағал фуқароларнинг даромадларидан 10 — 15 марта ошиб кетганлиги маълум бўлмоқда. Кўплаб экспертлар “яширин иқтисодиёт” ҳисобга олинганда, ўртадаги ҳақиқий тафовут 25 — 40 маротаба эканлигини қайд этмоқда.

Ҳозирги кунда яшаш минимумидан паст даражада кун кечираётган камбағал аҳоли 15 фоиздир. Бу масалада 2019 йилдан бошлаб катта силжиш кузатилган, ҳатто бутун бир вазирлик ишлаётган бўлса-да, ўртадаги фарқнинг кучайиб бориши жамият қатламларида турли фикрларни пайдо қилиши мумкин. 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”)ни босқичма-босқич жорий этиш чоралари кўрилиши соҳада туб ўзгаришларга туртки бера бошлади.

Агентликка халқаро конвенция талабларини бажариш мақсадида ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари юклатилиши, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиши идоранинг мақом ҳамда нуфузини янада оширишга хизмат қилади. Демак, миллий тараққиётга тўсиқ бўлиб келаётган коррупцияни бартараф этиш йўлида дадил қадамлар ташланмоқда.

Энг асосийси, коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлиб, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу иллатга қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Албатта, бугун бу ҳақиқатни кўпчилигимиз яхши тушунамиз ва тан оламиз. Шундай экан, бу иллатга барҳам бериш фақат тегишли органларнинг эмас, балки барчанинг иши, деган принципни қарор топтиришимиз, коррупциядан қутулиш — емирилишдан қутулиш эканини барчамиз англашимиз шарт.

**Муҳиддин КАЛОНОВ,**
**Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

## Ташаббус

*Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган Андархон қишлоғи азалдан полиз экинлари, хусусан, мазаси тилёрар қовунлари билан машҳур.*

# Бешариқда «Андархон» қовунчилик кластери ташкил этилади

Айни пайтда “Андархон” МФЙда 845 дан зиёд хонадонлар бўлиб, деярли ҳар бир оила қовун етиштириш билан шуғулланади. Андорхонликлар қиш ва баҳор фаслида ҳам ўз хонадонида табиий усулда қовун сақлаб, қўшимча даромад топиб келмоқда.

— Бизда кўпроқ “бўрикалла”, “қирқма”, “умрбоқий”, “кампиртўн” сингари қовунлар сақланади. Меҳнатимизга яраша даромад топяпмиз, — дейди андархонлик Шамсиддин ота Исомиддинов. — Қишлоқ аҳли ўзимиздан ортиб Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам деҳқончилик қилади.

Ширин-шакар қовунларни сақлашда қишлоқ ҳудудининг географик жойлашуви ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳудуднинг ўзига хослиги боис қовунларни ҳатто май ойигача сақлаш мумкин.

Дарвоқе, Фарғона вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан қовун етиштириш ушбу маҳаллани ривожлантиришнинг “ўсиш нуқтаси” сифатида қайд этилиб, “Андархон” қовунчилик кластери ташкил этиш белгиланди. Демак, андархонликлар учун яна янги имкониятлар эшиги очилади.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Ипакчилик

# Маҳсулотнинг 95 фоизи экспорт қилинмоқда

*Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги “Кумушкент ипаги” масъулияти чекланган жамияти пилла хом ашёсини қайта ишлаш борасида бой тажрибага эга корхоналардан саналади.*

— Бизда хом ашё ҳозирча икки босқичда қайта ишланяпти, — дейди корхона иш юритувчиси Ж. Ҳожиев. — Маҳсулотнинг 95 фоизини хорижга экспорт қиляпмиз. 2021 йилда чет эллик буюртмачиларимизга 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот етказиб бердик. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”га кирган хотин-қизларни ишга қабул қилиб, улар учун даромад манбаи яратиб беряпмиз. Корхонани хом ашё билан таъминлашда эса ипак қуртини 2-3 мавсум давомида боқиш йўлга қўйилгани қўл келаётир.

“Кумушкент ипаги”да 125 та доимий иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, корхона ҳар йили 5 минг нафарга яқин кишиларни мавсумий ишларга жалб этади.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Фикр

*Қайси мамлакатда хизматлар соҳаси изчил ривожланган бўлса, ўша жойда тараққиёт ва юксалиш бўлади. Буни биз юртимизда кейинги беш йилликда қўлга киритилаётган натижалар мисолида кузатдик. Мана, биргина мисол: 2021 йилда мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20 фоизга ўсди. Аммо бу ҳали барча тармоқ хизматлар билан қамраб олинди, дегани эмас. Чунки халқ фаровонлиги юксалгани сайин хизматлар соҳасига эҳтиёж ҳам ортиб бораверади.*

# Хизматлар кўрсатиш – бандликни таъминлашда етакчи тармоқ

Президентимизнинг шу йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам мамлакатимизда бу йўналишни изчил ривожлантириш ва халқаро даражага кўтариш мақсадида қабул қилинди. Қарорда хизматлар кўрсатишни ривожлантиришга янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини 2022 йилда 1,5 бараварга ошириш ҳамда қўшимча 1,5 миллион янги иш ўрни яратиш имкониятлари мавжудлиги таъкидлаб ўтилган.

Хўш, шунча имкониятлар бор экан, ундан фойдаланиш учун нималарга аҳамият қаратишимиз лозим?

Қарорда бу масалаларга катта эътибор берилган. Хусусан, ҳар бир туман ва шаҳарда бюджет маблағлари ҳисобига 2021-2022 йилларда шаҳарсозлик лойиҳалари асосида мукаммал таъмирланган, ташқи ёритиш, суғориш ва дренаж тизимлари модернизация қилинган, пиёда ва велосипед йўлаклари қурилган ҳамда аҳоли гавжум бўлган кўчаларни савдо, хизмат кўрсатиш, сайилгоҳ ва кўнгилочар кўчаларга айлантириш, рақамли хизматлар улушини босқичма-босқич ошириш учун зарур инфратузилма билан таъминлаш ва сифатли алоқа ҳамда интернет хизматлари қамровини, шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизими хизматларидан фойдаланиш кўламини кескин кенгайтириш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қарорда Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказлари ҳамда бошқа шаҳарларда кўпи билан ҳар 3 — 5 та маҳалла учун аҳоли гавжум бўлган кўчани ободонлаштириб, пиёдалар йўлакчаларини кенгайтириш ва уларни ёритиш орқали маҳаллалараро савдо-хизмат кўчасини ташкил қилиш қайд этилган.

Бундан ташқари, саноат ва хизматлар соҳаси юқори суръатларда ривожланиб бораётган туманларда — савдо, меҳмонхона, овқатланиш ва логистика хизматларини, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар масканларни барпо қилишга устуворлик бериш масалалари ҳам белгилаб қўйилди.

Кўриниб турибдики, хизматлар соҳасини янада жадал тараққий эттириш учун қўшимча янги имкониятлар яратиляпти. Эндиликда ундан самарали фойдаланган ҳолда нафақат иқтисодиётимиз, балки ижтимоий-маънавий ва маданий йўналишлар равнақида катта аҳамиятга эга бўлган тармоқни ривожлантириш учун ҳар бир киши бел боғлаши лозим.

**Барно МИРЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Судьялар ҳамжамияти:

# ТИЗИМДА ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

*Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 7 декабрда қабул қилинган “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тизимда катта ўзгаришларга сабаб бўлди.*

## Фармон ва ижро

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, тизимда коррупциянинг барвақт олдини олиш, муносиб кадрларни танлаш ва тайинлаш, тизимда очиқлик ҳамда шаффофликка эришиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Судьялар олий кенгаши матбуот хизмати маълумотларига кўра, 2021 йилда кенгаш қарори билан 38 нафар судьянинг ваколати муддатидан илгари тугатилиб, вазифасидан озод этилди. Шундан 19 нафари судьялик қасамёди ва “Судьялар одоби кодекси” талабларини бузгани учун, 8 нафари ўз хоҳишига кўра, 8 нафари бошқа ишга ўтгани, 3 нафари эса вафот этгани муносабати билан ваколати муддатидан илгари тугатилган. Ўтган йилда 220 нафар судья бошқа турдаги интизомий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, 2020 йилдан эътиборан тизимда очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлаш орқали судьяларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида йўл қўйган камчиликлари учун интизомий жавобгарликка тортилганлар ҳақида ҳам мунтазам очиқ ахборот бериб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 3 февраль куни йўл қўйган камчиликлари ва масъулиятсизлиги учун фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг судьялари *А. Баҳромов* ва *Ҳ. Саидов*, Бухоро туманлараро иқтисодий суди судьяси *Ф. Муродов*, жиноят ишлари бўйича Янгийўл тумани суди судьяси *Ш. Амиров*, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг судьяси *А. Жабборов*, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг судьяси *Ш. Абдыжемилова*, жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг судьялари *И. Калниязов* ва *М. Бекимбетов*, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг судьяси *Д. Шоматова*, фуқаролик ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туманлараро судининг судьяси *Ж. Бобоназаров* интизомий жавобгарликка тортилди.

Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир. Шу боис барча судья бир хил мақомга эга. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгани боис судьянинг зиммасидаги масъулият катта.

Ўз навбатида, судьянинг мақоми ҳамда масъулиятидан келиб чиқиб, уларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилди, фаолияти ҳақли эътирофга муносиблари рағбатлантириб келинмоқда. Юқорида қайд этилган Фармонга асосан, тизим тарихида илк маротаба жорий қилинган “Ибратли судья” мукофотининг 16 нафар соҳиби аниқланиб, куни кеча тантанали равишда топширилгани фикримизга дадилдир.

**«Халқ сўзи».**

# ПИЁДАЛАР ЙЎЛАКЛАРИ ҚАЧОН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?



*Айни пайтда, айниқса, юртимиз шаҳарларида йўлда ҳаракатланиш мушкулотга айланган — хоҳ автоуловда бўлсин, хоҳ пиёда. Шахсий автомобиллар сони кескин ортаётгани, йўлларимиздаги тиғизлик, йўлсозлик соҳасидаги муаммолар ва ниҳоят, ҳайдовчилик билими ва масъулиятини унутаётганлар кўплиги мана шундай кескин вазиятни юзага келтиргани рост. Баъзан кўздан панароқ жойларда пиёдалар учун мўлжалланган йўлакларда ҳам ихчамроқ автомобилнинг ҳаракатланиб кетаётганига дуч келамиз. Оқибатда эса... ҳар куни ижтимоий тармоқларга юкланаётган йўллардаги фожиалар ва шу туфайли кимнингдир жондан азиз фарзанди, кимнингдир отаси, онаси ёки бошқа яқин инсони ҳаётдан кўз юмаётгани ҳақидаги хабарлар юракни тирнайди. Бу энди алоҳида мавзу!*

## Мулоҳаза

Бугун сўз юритмоқчи бўлганимиз — пиёдалар учун йўлаклар барпо этиш, мавжудларини таъмирлаш ва тартибга келтириш, мухтасар айтганда, манзили сари пиёда ошиқаётганлар учун қулайлик ҳамда хавфсизлик талабларининг амалий ижросига диққат қаратмоқчимиз. Буни ўлкамизнинг дурдона шаҳарларидан бири, бутун дунё сайёҳларини мафтун этиб келаётган, замонавий ва қадимийлик уйғунлашган кўҳна Самарқанд мисолида ўрганамиз.

Маълумотларга кўра, Самарқанд шаҳрида ўтган йили 30 километрдан зиёд пиёдалар йўлаклари қурилди. Ҳозирги кунда бу йўлакларни сал бошқача — “Саломатлик йўлаклари” деб ҳам атамоқда. Чунки ўртасидан икки ранг — қизил ва кулрангга ажратилган бу равон йўлакчаларда бир пайтда велосипедчиларни ҳам кўриш мумкин.

Ўрганиш асносида Самарқанд шаҳридаги Университет хиёбони, Беруний, Рудакий кўчаларида пиёдалар йўлаклари талаб даражасида эканига гувоҳ бўлдик. Афсуски, шаҳарнинг аксарият кўчаларидаги йўлакларнинг ҳолати ҳамон дилни хира қилади. Мисол учун, шу кунларда Даҳбед кўчасидаги 1-ҳаммом рўпарасидаги пиёдалар йўлагида қазиш ишлари олиб борилаётгани устидан чиқдик.

— Бу биринчиси эмас, қайта-қайта қазийвериб, янги қурилган йўлакни расво қилдилар, — дейди Даҳбед маҳалласида яшовчи Раҳмон Усмонов. — Нега бундай қилишаётганини сўрасак, биз рухсат олганмиз, дея ишларини давом эттиришяпти. Маҳалла ичкарисига ичимлик суви ва оқова тармоқлари тортиш учун бир метр чуқурликда хандақ қазишаётганини айтишди. Албатта, бу ҳам керак. Лекин нега шу ишни пиёдалар йўлагини қурмасдан олдин бажаришмади? Ахир биз, маҳалла аҳли, шаҳримизга келган сайёҳлар учун бу пиёдалар йўлаги қанча маблағ сарфланиб қурилган-ку! Бундай режасиз ишлар учун ким жавоб беради?

Самарқанд шаҳридаги вилоят юқумли касалликлар шифохонасига яқин ҳудуддаги пиёдалар йўлаклари ёндош тор кўчаларнинг асфальт ёки бетон билан қопланмагани сабаб абгор аҳволга келиб қолган. Кўчага туташ тош-тупроқ йўллар ёғингарчилик кунлари лой ва балчиққа айланади. Шунингдек, бетон ариқчалар қурилиш чиқиндилари, барг ва шох-шаббалар билан тўлиши туфайли сув йўлини тўсиб қўйган.

Даҳбед кўчасида жойлашган 6-умумтаълим мактаби ёнидаги канализация қудуғининг қопқоғи йўқлиги эътиборимизни тортди. Очиқ қудуққа кимдир “кўз кўрсин” учун узун ёғоч тиқиб қўйибди.

Ёмғирдан сўнг чўккан пиёдалар йўлакларини шаҳарнинг Орзу Маҳмудов, Маҳмуд Кошғарий, Ўзбекистон, Воҳид Абдуллаев кўчаларида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Самарқанд шаҳар 2-туғуруқхонаси яқинидаги пиёдалар йўлагида юриш чинакам азоб. Бу йўлакда гоҳ синган бетон ва плитка бўлакларига, гоҳ қурилиш чиқиндиларига дуч келасиз.

Амир Темур кўчасидаги айрим ошхона, савдо дўкони ҳамда меҳмонхоналар пиёдалар йўлакларини тўсиб қўйган. Йўлаклар, мана, бир неча ойдан бери қурилиш майдонига айланган. Шаҳардаги давлат идоралари ва янги қурилган кўп қаватли уйлар олдида пиёдалар йўлаклари тартибга солинган. Аммо вилоят транспорт бошқармаси, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейига яқин жойларда яшил майдонлар топталиб, йўлаклар яроқсиз аҳволга келган. Қурилиши давом этаётган биноларнинг чиқиндилари ҳар қадамда учрайди, айрим йўлакларга эса канализация қудуқларидан оқова сувлари сизиб чиққан.

Буюк Ипак йўли кўчасидаги пиёдалар йўлаклари “уддабурон” тадбиркорлар томонидан “Автокредит” ёзуви битилган енгил машиналар билан тўсиб қўйилган. Бу автомашиналар пиёдаларнинг ўтишига халақит бериб, йўлакда териб қўйилгани ажабланарли.

— Икки йилдан буён қонуний тадбиркорлик билан шуғулланамиз, — дейди исмини айтишни хоҳламаган машина сотувчи йигит. — Бу жойни ижарага олганмиз. Тўғри, шаҳар ҳокимиятидан келиб машиналарни пиёдалар йўлагига чиқармаслигимизни тайинлашган. Агар машиналарни кўча ёқасига ёки йўлакка қўймасак, харидорларни қизиқтира олмаймиз. Натижада бозоримиз касод бўлади.

“Марҳабо” бекати яқинидаги улгуржи савдо дўконлари, ошхоналар кириш қисми пиёдалар йўлагига чиқиб кетгани ҳам ўтган-кетган йўловчиларга ноқулайлик туғдираётгани ҳам таассуфли ҳол.

— 51-умумтаълим мактаби атрофидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшайман, — дейди самарқандлик Холиқ ота. — Уйимиз атрофида кечаю кундуз юзлаб машиналарнинг шовқини тинмайди. Пешонасига “Автокредит” деб ёзиб олган машиналар бозори пиёдалар йўлагини эгаллаб олганидан бу ерларда сайр қилиб бўлмайди. Ахир бу атрофдаги уйларда кексалар, ёш болалар, ҳомиладор аёллар яшайди. Ҳамманинг жонига тегиб бўлишди. Наҳотки бу машина сотувчиларни шаҳардан ташқарига чиқариб бўлмаса?

14-умумтаълим мактаби, шаҳар “Баркамол авлод” болалар маркази рўпарасидаги пиёдалар йўлагидан шу яқин ўртада мутасаддилар ўтмаган кўринади. Чунки бу йўлакларга 15 йил илгари тўшалган асфальт қопламасининг айрим жойлари кўчиб, баъзи жойлари уваланиб кетган. Чуқур жойларида пайдо бўлган кўлмаклардан ўтиб бўлмайди.

Шу кўчада жойлашган шаҳар болалар шифохонаси олдидаги йўлакда ташкил этилган “бозорча”ни наҳотки бирорта мутасадди кўрмаган бўлса? Ёки Самарқанд шаҳар марказий поликлиникаси олдидаги лойга ботган пиёдалар йўлагини кўриб, бу ер шаҳар масъуллари назаридан четда қолганмикан, дея ўйлаб қоласан киши.

Шунингдек, “Ҳудудгаз Самарқанд” МЧЖ олдида ҳам пиёдалар ўтиши учун шароит яратилмаган. Чунки мазкур кўчада жойлашган қурилиш моллари дўконлари эгалари дарахт ёки гул экиш, яшил майдонча ташкил этиш ўрнига пиёдалар йўлагини тўсган ҳолда ўз маҳсулотларини қўйиб олишган.

Алишер Навоий шоҳкўчасида пиёдалар йўлагининг қурилганига кўп бўлган эмас. Бироқ бу ерлик аҳолининг қувончи узоққа чўзилмади, канализация тармоқлари тортилиши баҳонасида йўлакнинг 350 — 400 метр қисми кавлаб ташланди. Қурувчилар совуққа қолмасдан ўз ишларини бажаришди-ю, йўлакни таъмирлашни унутишди, шекилли, кетишди. Йўлакда эса на пиёда, на велосипедда ҳаракатланиб бўлади.

Пиёдалар йўлакларини қуриш учун ҳар йили давлатимиз ва маҳаллий бюджетлардан миллиардлаб маблағ сарфланаётгани сир эмас. Аммо бу қурилаётган йўлакларнинг “умри” йил у ёқда турсин, бир неча ойга етаётгани ачинарли. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса масъуллар ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур, назаримизда.

Айтгандай, сиз яшаётган манзилда пиёдалар йўлаги қай аҳволда?

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

# БАШАРИЯТ МАЪНАВИЯТИНИНГ СЎНМАС МАШЪАЛАСИ



*Алишер Навоий маънавият тушунчасини кенг маънода сўз сеҳри орқали инсонларнинг онгу шуурига сингдира олган донишманддир. Бу маънавият чашмасидан бир бора сув ичган одам уни қайта ва қайта ичгиси келаверади. Шу маънода, дунё халқлари ҳам ҳазрат Навоийни ўқишга, англашга интилмоқда, таржималар қилиб, китоб ҳолида адабиёт ихлосмандларига туҳфа этишмоқда.*

*Қуйида хорижлик олимларнинг буюк шоир мероси, унинг ҳаётбахш аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.*

**Вячеслав КУПРИЯНОВ, «Адабиёт ва санъат» журнали муҳаррири, шоир ва таржимон (Россия):**



— Улуғ шоир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон адабиёти, маданияти ва адабий-эстетик тафаккури ривожида алоҳида ўринга эга. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, ўзбек тилининг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси, латофати билан намоён этиб, Ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб жой эгаллагани ҳаммамизга яхши маълум.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Алишер Навоий ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ўлмас асарларини хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ва хотирасини абадийлаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда ёзувчи Николай Ильиннинг "Кесишувчи мувозий чизиқлар" китоби билан танишдим. Ушбу асар мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодини халқаро миқёсда тарғиб этишда муҳим ўринга эга. Муаллиф шоирнинг ижодига ва ўзига хос ёзиш услубига умумий тавсиф беради, адабиётларнинг ўзаро таъсири, ўзбек тили ва шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритади.

Бу йил Алишер Навоийнинг 581 йиллиги арафасида буюк шоир асарларини Россияда рус тилида чоп қилиш ҳамда тақдимотларини ўтказишни режалаштирганмиз. Шунингдек, юқорида айтиб ўтган Николай Ильиннинг китоби ҳам яқин кунларда Россияда чоп қилинади ва кенг китобхонлар қўлига етиб боради, Алишер Навоий, умуман, ўзбек шеърияти ҳақида янгидан-янги тасаввурлар беради, деган фикрдамиз.

**Саффет Алп ЙИЛМАЗ, «Билим ва адабиёт» журнали бош муҳаррири, адабиётшунос (Туркия):**



— Беш аср муқаддам ҳазрат Навоий: "Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни якқалам", дея ёзган эди. Бу шоирнинг туркий халқларни якдил, ҳамкор, ҳамфикр кўриш истаги ифодасидир. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бутун турк дунёси Алишер Навоийни "шамс ул-миллат" — "миллат қуёши", дея каттаю кичик давраларда эъзоз билан тилга олади. Бутун умрини туркий тил мавқеини кўтариш, туркий адабиёт имкониятларини дунёга ёйиш, давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, жамиятда ҳақиқат ва адолат мезонларини қарор топтиришга бағишлаган буюк зот бу эътирофга тўла-тўкис муносиб ва ҳақлидир.

Туркияда ижодкорлар даврасида янги шоир ёхуд ёзувчи пайдо бўлса, аввало, "Ҳазрат Навоийни ўқиганмисан?", дея сўрашади. Агар "Йўқ", деб жавоб келса, уни ўз даврасига қўшишмайди. Чунки Алишер Навоийни билмаган ижодкор ёзарлар даврасига, адабиёт гулшанига киришга ҳақли эмас.

Ҳазрат Навоий ижодиёти ҳақиқий маънавият қомусидир. Улуғ мутафаккир асарларини ҳаёт манзаралари билан қиёсан мушоҳада қилар экансиз, беихтиёр улардаги ҳикматомуз фикр-ғоялар ҳар биримизга доимий ҳамроҳ эканлигига иқрор бўласиз.

Бугунги кунда Алишер Навоийнинг барҳаёт меросидан бутун дунё халқлари баҳраманд бўлиб келмоқда. Шоирнинг асарлари жуда кўплаб тилларга таржима қилинмоқда. Жаҳондаги нуфузли кутубхоналарда ул зотнинг қўлёзма асарлари сақланмоқда. Мазкур битикларда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тотувлик каби умумбашарий фазилатлар юксак тараннум этилганининг шоҳиди бўламиз.

**Рафаэл ХУСЕЙНОВ, филология фанлари номзоди, профессор (Озарбайжон):**

— Ҳазрат Навоий қаламига мансуб беназир асарлар жаҳон мумтоз адабиётимизнинг энг нодир намуналари саналади. Шоир шеърлари нафақат жанрларнинг теранлиги, умрбоқий ғоялари, балки юксак бадиияти билан ҳам дилларни қайта-қайта ҳайратга солади. Инсониятни эзгуликка, гўзалликка чорлайди, руҳни, кўнгилни поклайди, шууримизни самимий туйғулар оламига ошуфта айлайди.



Масалан, "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам", дейди шоир. Ҳақиқатан ҳам, ўзини топмаган, ўзлигини англамаган, мақсад ва эътиқодда қатъий туролмайдиган инсонни ўзгалар, эл нетиб топсин, нетиб англасин!

Рамиз Асқар томонидан Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асари озар тилига таржима қилинди ва 2021 йил март ойида Озарбайжонда, "Турксой" кутубхонаси сериясида нашр этилиб, Бокуда тақдимоти ўтказилди. Шунингдек, "Хамса" асари ҳам озар тилига ўгирилиб, бу йил нашр эттирилгани ҳам озар халқи учун катта туҳфа бўлди.

Умуман, Озарбайжонда ҳазрат ғазалларини, достонларини севиб мутолаа қилишади. Айниқса, адабиёт муҳибларининг Алишер Навоий ғазалларини ўз тилида ўқишга уринганларига кўп маротаба гувоҳ бўлганман.

Алишер Навоий асарларининг озар тилига таржима қилиниши Ўзбекистон — Озарбайжон ўртасидаги ижтимоий, адабий алоқаларни янада мустаҳкамлашга, дўстлик муносабатлари бардавом бўлишига хизмат қилади, албатта.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

## БУЮК АЖДОДИМИЗНИНГ МЕРОСИНИ НЕЧОҒЛИ БИЛИШАДИ?

*Ҳамширалиқдан сабоқ олган, зарурат туғилганида, қўни-қўшнига хизмат қилиб турадиган қиздан «Ибн Сино китобларидан ўқиганмисиз?» дея сўрадик. Ҳамшира буюк аждодимиз асарлари тугул, унинг таълимотига оид адабиётларни ҳам қўлига олиб кўрмаган экан. «Йўқ» маъносида бош чайқаб қўя қолди.*




*«Ҳозирги ёшлар, жумладан, институтимиз талабалари, айниқса, халқ табобати йўналишида сабоқ олаётганлар орасидан соҳага астойдил қизиқаётганларни кўплаб топиш мумкин. Улар биз, ўқитувчиларга Ибн Сино таълимоти бўйича касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ҳамда бу даврда беморларни овқатлантиришда нималарга эътибор қаратиш юзасидан саволлар беришади. Бироқ соҳа мутахассиси сифатида ёшларнинг Ибн Сино таълимотини ўрганишларидан қониқиш ҳосил қиляпман, деб айта олмайман».*

**Шаҳло ҚОДИРОВА,**
Бухоро давлат тиббиёт институтининг Халқ табобати ва касб касалликлари кафедраси мудири.

### Таассуф

Худди шу ҳол бизда навқирон авлод вакиллари, жумладан, ёш тиббиёт ходимлари тиб илмининг султони саналган Абу Али ибн Синонинг бой илмий меросини нечоғли ўрганишяпти, деган саволни туғдирди. Зеро, жумлаи жаҳонга Авиценна номи билан танилган бу улуғ алломанинг меросисиз тиббиётни тасаввур қилиш мушкул. Унинг биргина соғлом турмуш тарзи, ўзни турли юқумли касалликлардан муҳофаза этишга оид йўл-йўриқлари асрлар оша инсоният саломатлигига беминнат хизмат қилиб келмоқда. Бутун дунё коронавирус исканжасига тушган ҳозирги паллада бу тавсиялардан хабардор бўлиш, уларга риоя этиш ҳар қачонгидан муҳимдир.

— Ҳозирги ёшлар, жумладан, институтимиз талабалари, айниқса, халқ табобати йўналишида сабоқ олаётганлар орасидан соҳага астойдил қизиқаётганларни кўплаб топиш мумкин, — дейди Бухоро давлат тиббиёт институтининг Халқ табобати ва касб касалликлари кафедраси мудири Шаҳло Қодирова. — Улар биз, ўқитувчиларга Ибн Сино таълимоти бўйича касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ҳамда бу даврда беморларни овқатлантиришда нималарга эътибор қаратиш юзасидан саволлар беришади. Бироқ соҳа мутахассиси сифатида ёшларнинг Ибн Сино таълимотини ўрганишларидан қониқиш ҳосил қиляпман, деб айта олмайман.

— Маълум бир муддат хорижда шифокор сифатида ишлаганман, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми директори ўринбосари Олим Саидов. — У ерда шифокорлар беморларга Шарқ табобати, жумладан, Ибн Сино ўгитлари асосида тайёрланган табиий дори-дармонларни тавсия этишганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Масалан, шамоллаш, йўталда улар ширинмия суюқлигидан фойдаланишни маслаҳат беришарди. Бу ўсимлик эса биласиз, асосан, бизнинг минтақамизда учрайди. Фикримча, ёшларимизга тиббиёт, жумладан, халқ табобати сир-асрорларини ўргатишда назария ва амалиётни уйғун ҳолда олиб бориш керак.

Техникумимизда беш йўналишда 1425 нафар талаба таҳсил оляпти. Ўқув режасида Ибн Сино таълимотини ўргатиш юзасидан 96 соат дарс ажратилган. Доривор гиёҳлардан фойдали ичимликлар тайёрлашга ихтисослаштирилган бар, клиника очиш ниятидамиз. Ибн Сино таълимоти мазмун-моҳиятини очиб берадиган адабиётларга эҳтиёж бор.




Дарҳақиқат, улуғ аждодимиз ҳаёти, фаолиятига оид оммабоп рисолалар керак. Бухоро Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми ахборот-ресурс марказида бўлганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда буюк аждодимизнинг бундан 26 — 28 йил муқаддам нашр этилган 9 ва 3 жилдлик асарлари бор. Уч жилдлик асар қўлдан-қўлга ўтавериб, титилиб, эскириб қолган. Ахборот-ресурс марказида Ибн Сино таълимоти тадқиқотига бағишланган бирорта ҳам илмий адабиёт йўқ. 1400 нафардан зиёд талабалар таҳсил олаётган техникумда 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Ибн Синонинг асарларини йигирма нафар ўқувчи мутолаа қилган, холос.

— Буюк аждодимизнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маърузалар, махсус бурчак тайёрлаганмиз, — дейди марказ раҳбари Лайло Иноятова. — Лекин «Ибн Сино асарлари — олимлар талқинида» рукни остидаги илмий-оммабоп нашрларга эҳтиёж сезилмоқда.

Қомусий олимнинг серқирра фаолияти билан атрофлича танишишда у туғилиб ўсган Афшонадаги музейнинг аҳамияти катта. Бу ерда айни дамда 460 дан зиёд экспонатлар мавжуд. Хўш, бу масканга ёшлар, жумладан, тиббиёт соҳаси ёш вакиллари ташриф буюришяптими?

— Хорижий юртлардан минглаб километр йўл босиб музейимизни кўргани келган сайёҳлар билан суҳбатлашганингда баҳридилинг очилади, — дейди музей раҳбари Мансур Нуруллаев. — Улардан «Шундай буюк инсоннинг ворисларисиз. Ҳар қанча фахрлансангиз арзийди», деган сўзларни кўп эшитганмиз. Ҳатто ўсимликларнинг биринчи илмий таснифини яратган табиатшунос Карл Линней доимо ямяшил бўлиб турувчи бир ўсимликни Ибн Сино шарафига «Авицения» деб атаган. Шундай буюк мутафаккирнинг аждоди эканимиздан ғурурланамиз, албатта. Аммо «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», дейишади. Аччиқ бўлса-да, очиқ айтаман, ёшларимиз, шу жумладан, бўлғуси тиббиёт ходимлари музейга жуда кам келишади. **Бу борада юзакичилик, ўз-ўзини алдаш ҳолатлари учрамоқда.**

Мансур Нуруллаевнинг куйинганича бор. 2018 йилда тиббиёт соҳаси ходимларининг ушбу музейга саёҳатини уюштириш ниятида вилоят ҳокимлиги томонидан тегишли тавсия берилганди. Мақсад шифокору ҳамшираларни улуғ аждодимиз бой меросидан баҳраманд этиш, уларнинг ўз касбларига бўлган меҳру муҳаббатларини мустаҳкамлаш, билимларини ошириш эди, албатта. Аммо вилоят бўйича музейга атиги 1200 нафар тиббиёт соҳаси вакили қадам ранжида қилди, холос. Пешку тиббиёт ходимлари эса музейга умуман келишмаган, ҳатто!

Юқоридагилардан кўринадики, ёшларимизни буюк аждодимизнинг бой меросидан баҳраманд этиш, уларда бу битмас-туганмас хазинани ўрганишга рағбат уйғотиш борасида қилинадиган ишлар бениҳоя кўп. Ибн Синонинг доимо завол билмас таълимоти инсониятнинг бахту иқболи, саломатлиги, камолоти йўлида хизмат қилар экан, бу юмушларга ҳаётий зарурат сифатида қарашнинг мавриди келди.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

# ТАДБИРКОР МАҲАЛЛА УЧУН ЯНГИ БИНО ҚУРИБ БЕРДИ

*Наманганда маҳалла фуқаролар йиғинларини замонавий бинолар билан таъминлашда тадбиркорларнинг давлат-хусусий шериклик асосидаги иштироки кенгайиб бормоқда.*




### Эътибор

Тўрақўрғон туманидаги "Озод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳам ишбилармон йигит Ҳамидулло Қодировнинг саъй-ҳаракати билан янги бинога эга бўлди. 210 миллион сўмлик сармоя эвазига барпо этилган иншоотда йиғин ходимларининг самарали иш фаолияти учун зарур қулайликлар яратилди.

МФЙнинг янги биноси тақдимоти маҳалла аҳли учун байрамга айланиб кетди. Шу куни "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими идорага янги иш жиҳозларини туҳфа қилган бўлса, Тўрақўрғон тумани ҳокимлигидан берилган адабиётлар жамламаси билан мўъжаз кутубхонага асос солинди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Тўрақўрғон тумани бўлими раҳбари Шерзод Собировнинг айтишича, Наврўз байрамигача яна учта маҳалла фуқаролар йиғини янги биноларга кўчиб киради.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).**

### Изланиш

# Чорва озуқаси ишлаб чиқаришда инновацион ечим

*Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида яшовчи тадбиркор Рамидулла Астановнинг янтоқ ва қамишдан чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик хўжаликлари учун гидропоника усулида инновацион ем ишлаб чиқариш борасидаги ташаббусини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қўллаб-қувватлади.*

Натижада мазкур лойиҳа Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 1,4 млрд. сўм гранти ҳамда тадбиркорнинг 1 млрд. сўмга яқин маблағи эвазига ишга туширилди.

— Ҳозирги кунда мазкур замонавий ускуналар тўла қувват билан ишлатилиб, кунига 25 — 30 тонна атрофида оқсилга бой ва ҳамёнбоп ем тайёрланмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти инновацион ривожланиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Олимжон Мавлонов. — Ем гидропоника усулида, яъни буғдой ундирилиб, шираси аралаштирилган ҳолда тайёрланмоқда. Бу озуқанинг тўйимлилигини оширади.

Албатта, фойдали инновация ғоясини ҳаётга кенг жорий этишда Нишон туманидаги бепоён ёнтоқзор ва қамишзорлар беминнат хом ашё вазифасини ўтайди. Энг муҳими, корхона ишга тушгач, 20 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Тадбиркор лойиҳани янада кенгайтиришни мўлжалламоқда.

**«Халқ сўзи».**

# МАДАНИЯТ ВА ЁШЛАР МАРКАЗИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ




*Тошкент вилоятида, статистик маълумотларга кўра, аҳоли миллий таркибининг 70 фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Шунингдек, тожик, рус, қозоқ, қирғиз, татар, украин, турк, озарбайжон ва туркманлар ҳам бир оила фарзандларидек тотув ва иноқликда яшамоқда. Ўзбекона лутф, қўни-қўшничилик, қуда-андачилик анъаналари қардошлар оиласига кириб борган.*

### Қулайлик

Айниқса, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Оҳангарон, Бўка, Бекобод туманлари ва Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари аҳолисининг этник таркиби турфалиги билан ажралиб туради. Ҳар бир маҳалла ва гузарларда қардош халқларнинг ўз урф-одатлари, миллий анъаналари доимо эъзозу эътиборда. Уларнинг тили, маданияти, тарихини ўргатувчи таълим муассасалари, ўнлаб маданият марказлари фаолият юритмоқда. Оққўрғон туманидаги "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғинида ана шундай қардошлик рамзи бўлган, замонавий кўринишга эга Маданият ва ёшлар маркази биноси фойдаланишга топширилди.

— Мазкур марказ ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган бўлиб, таъмирталаб ҳолатда эди, — дейди Оққўрғон тумани ҳокими Фарҳод Омонов. — Бино тубдан қайта қурилиб, кўркам ҳолатга келтирилди. Ҳудудимиз аҳолиси кўп миллатли оилалардан иборат. Барча қардош халқ вакиллари ўзаро аҳилликда ҳаёт кечирмоқда. Ўз миллий урф-одатлари, диний қадриятларини эмин-эркин адо этишади. Бирбирлари билан қуда-андачилик қилишади. Тўй-маъракаларда доимо елкадош. Ушбу Маданият ва ёшлар маркази турли миллат вакилларидан иборат 630 нафар йигит-қизни қамраб олади ва бунинг учун ўндан ошиқ йўналишларда тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу масканга қатновчи ёшларимиз, аввало, Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус замиридаги ғояларни кунт билан ўрганишади. Санъат ва маданиятнинг нозик жиҳатларини ўзлаштиради. Шунингдек, бу ерда туркман, қозоқ ва корейс миллий маданият марказлари ҳам иш олиб боради.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.21 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6